ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД
БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Педагогик тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Pedagogical Research

2020/6 (50)

Андижон
2020 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА
Серия: Педагогик тадқиқотлар

Журнал бир йилда 8 марта
(серия 2 марта) чоп этилади

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва Оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 17 августда
1097 рақами билан
рўйхатга олинган

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих,
филология, педагогика, кимё ва
биология фанлари бўйича Олий
аттестация комиссиясининг
диссертациялар натижалари юзасидан
илмий мақолалар эълон қилиниши
лозим бўлган нашрлар рўйхатига
киритилган.

Босишга рухсат этилди: 21.09.2020
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:

“Муҳаррир” нашриёти матбаа
бўлимида чоп этилди.

Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси 7-уй.

Таҳрир ҳайъати раиси:

Азимова Зиёда Эргашевна – педагогика фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Таҳрир ҳайъати

Қуронов Муҳаммаджон – педагогика фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич – педагогика фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)

Юсупова Шохида Жалолиддиновна – педагогика фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)

Хайдаров Маматжон Эшқулович – педагогика фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)

Жумаев Маманазар Иргашевич – педагогика фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)

Исаев Илья Фёдорович – педагогика фанлари доктори, профессор (Бельгород, Россия)

Асука Кавано – педагогика фанлари доктори (PhD) (Нагоя, Япония)

Алиева Шаҳло – педагогика фанлари доктори (Боку, Озарбайжон)

Жумабаева Азия Елеупановна – педагогика фанлари доктори, профессор (Остана, Қозоғистон)

Бичурина Сеимбика Усмоновна – педагогика фанлари номзоди, доцент (Казан, Россия)

Муҳаррир:

Д.Ҳ.Қуронов
филология фанлари доктори, профессор

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129. Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru Расмий сайт: www.xabarnoma.adu.uz

МУНДАРИЖА

ПЕДАГОГИКА

ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ

З.Э.АЗИМОВА, М.К.БАКИЕВА
Қизларда ижтимоий фаол шахс сифатларини шакллантиришда хориж тажрибаларидан фойдаланиш (Parents.com сайти материаллари мисолида) 5

Қ.А.ҚАДИРОВ
Олий таълим тизимида маънавий-маърифий ишларнинг ташкилий-педагогик модернизацияси хусусида 16

И.Н.САЙДАЛИЕВ
Замонавий муҳандисларни тайёрлашда олий таълим ва ишлаб чиқариш синергетик интеграциясининг аҳамияти ва истиқболлари 25

Н.Д.АҲМЕДОВА
Талабаларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантириш ижтимоий-педагогик масала сифатида 36

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ

Я.УМАРОВА, Д.НЕЪМАТОВА
Умумтаълим мактабларидаги ўқувчилар тил компетентлигининг жорий ҳолати таҳлили 47

A.AXLIMIRZAYEV, T.S.NISHONOV
Ehtimollar nazariyasi fanidan amaliy mashg‘ulotlarni tashkil etish bo‘yicha ba’zi bir mulohazalar 58

ПЕДАГОГИК СОЦИОЛОГИЯ

A.U.ABDIYEV
Andragogik ta’limda gender muammolari 70

ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ

М.Ш.РАҲМОНОВ
Видеомашғулотларнинг дарс самарадорлигига ижобий таъсири ва зарурий тавсиялар 79

CONTENTS

PEDAGOGY

THEORY OF PEDAGOGICS

Z.E.AZIMOVA, M.K.BAKIYEVA
From the foreign experience of the methodology of education of socio-active personality in girls (on the example of site materials Parents.com) 5

K.A.KADIROV
Organizational and pedagogical of issues spiritual and educational work in the higher education system 16

I.N.SAYDALIEV
The importance and prospects of synergetic integration of higher education and development in the training of modern engineers 25

N.D.AHMEDOVA
Development of professional-spiritual qualities at students-socio-pedagogical problem 36

THEORY AND METHODS OF EDUCATION AND UPBRINGING

Ya.T.UMAROVA, D.NE'MATOVA
Analysis of the current state of language competence of secondary school students 47

A.AKHLIMIRZAEV, T.S.NISHONOV
Some considerations on the organization of practical lessons on probability theory 58

PEDAGOGIC SOCIOLOGY

A.U.ABDIEV
Gender issues in andragogy 70

THEORY AND METHODS OF E-LEARNING

M.Sh.RAHMONOV
Positive impact of video classes on lesson efficiency and necessary recommendations 79

УДК: 378.147.091.31-059.2

ТАЛАБАЛАРДА КАСБИЙ-МАЪНАВИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК МАСАЛА СИФАТИДА

Н.Д.Аҳмедова

Мақолада талабаларда маънавий-ахлоқий қадриятлар устуворлигини таъминлаш учун касбий тарбия жараёнини ислоҳ этиш, талаба ёшлар маънавий маданиятини юксалтириш, авлодлар тажрибасини ўрганиб, янги ижтимоий муносабатларни англаш, уларга мослашиш ва жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишга интилиш компетенцияларини шакллантириш муҳимлиги кўрсатилган. Олий таълим тизимида юксак малакали мутахассисларни ҳамда маънавий фазилатларга эга шахсларни тарбиялашга йўналтириш йўллари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: *талаба ёшлар, маънавият, маданият, қадрият, инсон омили, тарбия, маънавий фазилат.*

В статье рассматривается важность профессионально-духовного воспитания с целью обеспечения приоритета духовно-нравственных ценностей при подготовке к профессиональной деятельности. Повышение духовной культуры студентов, изучение опыта поколений, формирование компетенций понимания новых социальных отношений, адаптации к ним и стремления внести свой вклад в развитие общества. Рассматриваются пути подготовки и воспитания высококвалифицированных специалистов, а также личностей с высокими профессионально-духовными качествами.

Ключевые слова: *студент, духовность, культура, ценность, человеческий фактор, воспитание, духовное качество.*

Кириш. Бугунги глобаллашув ва тезкор ахборот асри ёшларимизнинг қалби ва онгини ёвуз хавф-хатарлардан ҳимоя қилишни энг долзарб вазифалардан бири сифатида қўймоқда. Жумладан, ёшлар маънавияти муаммоси бугунги кунда муайян бир давлат доирасидан чиқиб аллақачон дунё муаммосига айланиб улгурди. Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ёшлар муаммоси долзарб эканини таъкидлаб, унинг ечимига дунё ҳамжамиятининг эътиборини қаратди: “...биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир.

Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етишига боғлиқ.

Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир.

Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз” – деди [1].

Талаба-ёшларда маънавий фазилатларни ривожлантириш ушбу йўналишдаги

ишларнинг муҳим шартларидан биридир. Бу эса талаба-ёшларда маънавий фазилатларнинг ривожланганлик даражасига, ўз талабалик мажбуриятларини виждонан бажаришига ҳамда ўзининг бўлажак касбий, маънавий-ахлоқий қоидаларига асосланиш кўникмасининг шаклланиши билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида [2] “ёшларни маънавий-маърифий юксалтириш” йўналиши белгиланиб, бу борада талабаларнинг маънавий-ахлоқий муносабатларини, малакаларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Ҳаракатлар стратегияси халқимиз, ёшларимиздан қайси фазилатларни талаб қилаётганини билишимиз шарт. Бу – талаб-таклиф қонунияти. Яъни, стратегиямизни амалга ошириш учун давлатимиз томонидан ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий ресурслар таъминлаб берилди. Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширувчи куч – инсон омилига боғлиқ. Инсон омилини кучайтирувчи восита – тарбия, маънавий-маърифий ишлардир. Демак, тарбиявий, маънавий-маърифий ишлар мазмуни Ҳаракатлар стратегияси талаблари асосида кучайтирилиб, янгилаб борилиши зарур.

Президентимиз маърузаларида тилга олинган ва жамиятимиз, ёшларимизда шакллантириш зарур бўлган билим, кўникма ва фазилатлар бугунги маънавий янгиланишнинг бош манбаидир. Зеро, бу фазилатлар Ўзбекистонни янада ривожлантириш, халқимизни фаровон, бахтиёр қилиш йўлида учраётган муаммоларни ҳал қилишнинг маънавий ечимларидир.

Ҳар биримиз Президентимиз маърузаларида тилга олинган: янгича фикрлаш, масъулиятлилик, ташаббускорлик, эл-юрт тақдири учун куйиниб, тиним билмай яшаш, ишнинг кўзини билиш, меҳнатсеварлик, мустақил фикрлаш, матонат, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаш, тадбиркорлик, ишбилармонлик, ҳалоллик, ҳунармандлик, ишбилармонлик, заҳматкашлик, жонкуярлик, меҳнаткашлик, ибратли, намунали, узоқни кўра олиш, синов ва муаммолардан чўчимаслик, ўзига, ўз куч-қудратига ишонч фазилатларини кўрсата бошласак, халқимиз фаровонлиги қанчалик кўтарилиб кетишини тасаввур қилишимиз мумкин.

Маънавий фазилатлар – мардлик, матонатлилик, Ватанга садоқат, мустаҳкам ҳаётий позицияга эгалик, мустаҳкам мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибат, инсонпарварлик, фидойилик, фаоллик, камтаринлик, меҳрибонлик, китобхонлик, бағрикенглик, ориятлилик, халқ билан бирга бўлиш, ҳар қандай шароитда ҳам ишончни оқлаш, одамийликни жойига қўйиш, сабр-бардошлилик, самимийлик, пок ниятлилик, маърифатпарварлик, тартиб-интизомлилик, баркамоллик, мустақил фикрлаш, азму шижоатлилик, адолатлилик, жонкуярлик, матонатлилик, куч-қувватлилик каби фазилатлар ҳар бир талаба-ёшларда мужассам бўлиши нимага боғлиқ? Бунинг учун ёшлар тарбиясига қаратилган дастурларимизда ва кенг аҳоли орасида ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларда ана шу фазилатларнинг маъно-мазмунини очиб бериш ўта муҳим.

Шарқ файласуф-алломалари ўз асарларида бу масалаларни таҳлил қилишиб, ўз фикрларини қолдиришган. Алишер Навоий туркий адабиёт ва тилининг қадр-қимматини юксалтирган аллома бўлиб, у шарқ халқлари, хусусан, ўзбек халқининг ахлоқ-одоб, тарбия мактабининг етук билимдони, адолатли ва тадбиркор давлат арбоби, халқпарвар маданият соҳибқирони эди. “Маҳбубул-қулуб” таълим-тарбия, ахлоқ-одоб соҳасидаги йирик рисола ҳисобланади. Алишер Навоий турмуш ва одоб-ахлоқ муаммолари билан боғлиқ бўлган дидактик асарига “Маҳбубул-қулуб”, яъни “Кўнгилларнинг севгани” деб ном қўйиши бежиз эмас. У

ўзининг пок ва мусаффо қалби буюрган, айтишга чорланган дардини ушбу рисолада жамулжам қилди. Асарнинг биринчи қисмида “Кишиларнинг аҳволи, феълатвори, одоб-ахлоқи ва гап, сўзларининг аҳамияти ҳақида” қайноқ ўгитлар айтилса, иккинчи қисмида “яхши феъллар ва ёмон хислатлар тўғрисида” ахлоқий маълумотлар баён қилинади [3. Б. 2].

Одоб-ахлоқ эгаси бўлувчи инсон, энг аввало, ўзининг юриш-туриши, муомала маданияти билан ҳаёт кечиришда, оила барқарорлигида намуна бўлиши кераклиги ҳақида буюк аллома Абу Райҳон Беруний шундай уқтиради: “Инсон ўзининг эҳтиросларига ҳукмрон, уларни ўзгартиришга, бошқаришга қодир, ўз жони ва танини тарбиялар экан, салбий жиҳатларни мақтайдиган нарсаларга айлантиришга, уни маънавий шифокорлик билан даволашга ҳамда аста-секин ахлоқ ҳақидаги китобларда кўрсатилган усуллар билан иллатларни бартараф этишга қодирдир” [4. Б. 461].

Абу Али Ибн Синонинг одоб-ахлоқ, поклик ва саломатлик тўғрисидаги қарашларида жуда катта ибратли фикрлар бор. Ибн Сино тўғри сўзлаш ва тўғри ишлаш, ҳалол, инсофли ва адолатли бўлиш, хушмуомала ва ширинсуханликни одат қилиш, нафсга берилмаслик, фозиллар суҳбатидан баҳраманд бўлиш, катталарнинг иззатини жойига қўйиш, кичикларга шафқатлилик, самимий дўстлик, муҳтожларга ёрдам бериш ва инъом-эҳсон қилишни унутмаслик, нодонларга насиҳат, маслаҳат бериш каби фазилатларни барча эзгуликнинг асоси эканлигини таъкидлайди.

Юсуф Хос Ҳожиб ҳам шарқ халқларининг одоб-ахлоқ меъёрларига катта қизиқиш билан қаради: катталарни ҳурмат қилиш, кичикларнинг бурчи эканлигини, ўз навбатида, катталар ҳам кичикларнинг эъзозлашини ҳамма учун бурч ва инсоний қадр-қиммат белгиси деб билади.

Жаҳон фани ва маданиятига улкан ҳиссалар қўшган ўрта осиёлик донишмандлар ўзларининг кенг қамровли фикрлари билан инсонни қандай қилиб бахтли ҳаётга йўллаш мумкинлигини риёзат чекиб изланганлар, бу хусусида одилона йўл топиш учун интилганлар [5. Б. 208]. Улар ўзларининг ана шу мазмунда яратган асарларида ахлоқ, одобни бахтиқболга элтувчи йўллардан эканлигини кўрсатиб беришган. Чунки бу фазилатлар Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган улуғ мақсадларимизга эришишда буюк маънавий омил бўлиб хизмат қилиб, “инсон капиталини” кучайтиради, халқимизни кучайтиради. XXI асрда куч инсон капитали даражасида, унинг билим ва тафаккурида, фазилатларида эканлигини бутун инсоният билди.

Бу фазилатлар ҳар биримизда уч даражада – юқори, ўртача ёки паст даражада намоён бўлмоқда. Абу Али ибн Сино оламдаги нарсалар, жумладан, инсоний фазилатларнинг ҳам мартабалари уч даражага бўлинишини айтиб ўтган. Яъни, олий даража – камолотга эришилиши мумкин бўлган нарсалар; камолотга эришиш етарли бўлмаган нарсалар ва ниҳоят, оралиқдаги нарсалар. Аллома бу билан бундан минг йил аввал инсоний, касбий фазилатларни ҳам ўлчаш, тарбиялаш, ривожлантириш мумкинлигини фалсафий ва назарий педагогик жиҳатлари томонидан асослаб беради.

Паст ёки ўртача даражаларга сабаб – ушбу фазилатларнинг узоқ йиллар мақсадли, изчил, тизимли, ўлчамли ривожлантирилмаганидадир.

Ҳаракатлар стратегиясида халқимиз учун олий мақсадлар белгилаб берилди. Беш йўналишдаги мақсадларни беш йилда натижага айланиши жамиятнинг маънавий қудратига боғлиқ. Демак, уни амалга ошириш учун миллий характеримизда Прези-

дентимиз таъкидлаётган фазилатларнинг кечагидан кучлироқ намоён бўлиши талаб этилмоқда.

Айни вақтда бу ўринда гап талаба-ёшлар тарбияси, мазкур жараёнда барча давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиги ва масъуллигини ошириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш, ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ижтимоий-педагогик механизмларини жорий этиш ҳақида бормоқда.

Ривожланган давлатлар таълим тизимларини солиштирганимизда юқоридаги каби умумий жиҳатлар аниқланди. Тарбиявий қадриятларнинг авангардида фаол фуқаролик позицияси, юксак маънавиятлилик, маънавий қадриятлар сақланиб қолган. Ушбу қадриятларни сақлаб қолиш ва ўргатиш – таълимга оид сиёсатнинг марказий вазифасидир. Масалан, бу борада АҚШда қабул қилинган қонун (The Student Citizen Act)да замонавий таълим олувчида қандай сифатлар тарбияланиши керак деган саволга жавоб берилади [6].

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси халқ саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий таълимга жиддий талаблар қўймоқда. Шу билан бирга олий таълим тизими нафақат юксак малакали мутахассисларни, балки юксак маънавий фазилатларга эга шахсларни тарбиялашга йўналтирилди. Айни шу йўналишга асосланиб, дарсдан ташқари Андижон давлат тиббиёт институтида ташкил этилган тадбирларга талабаларни жалб қилиш ва уларда қизиқиш уйғотиш орқали амалга оширилди.

Бўлажак шифокор фаолияти муваффақиятли бўлишининг муҳим шарти унинг нафақат касбий, балки шахсий, маънавий жиҳатдан тайёрлиги ва қодирлиги, тегишли ижтимоий компетенцияларга эга бўлишидир. Бунда шифокорнинг маънавий тайёргарлиги дастлабки тайёргарликни фаоллаштирувчи катализатор сифатида иштирок этади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш асосида ушбу фазилатлар комплексини педагогик таъминлаш босқичлари, компонентлари, касбий-маънавий фазилатлар параметрларининг аниқлаштирилганлиги, бўлажак шифокорларда маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантиришга доир маънавий-маърифий ишлар мазмуни, шакли ва технологияларининг такомиллаштирилганлиги, “маънавий тиббиёт” принципи асосида тарихий-тиббий меросни замонавий олий тиббий таълим тизимига татбиқ этишга доир илмий асосланган таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантириш жараёнини моделлаштириш тиббиёт олий таълим муассасасидаги маънавий-ахлоқий тарбиянинг асосий механизмларини ва асосий мотивацион қадриятларга оид, маънавий-ахлоқий, тиббий фаолиятга доир компонетларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди.

Ушбу мақсадда Андижон давлат тиббиёт институтида Абдулла Қодирий ижодига бағишлаб – “Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлидир”, деб номланган адабий-бадиий кеча ўтказилди.

Мазкур кеча ёшлар билан ишлаш маънавият-маърифат бўлими ва тиллар, педагогика ва психология кафедраси ташаббуси билан ташкил қилинди. Ушбу тадбир институт кенгашлар залида ўтказилиб, унда институтнинг 150 нафар талабалари қатнашди.

Тадбирдан кўзланган мақсадлар:

таълимий мақсад – адиб ҳаёти ва ижоди билан таништириш, Абдулла Қодирий ўзбек миллий романчилигининг асосчиси эканлиги, “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён” тарихий романларининг моҳиятини, бугунги замонга ҳамоҳанглигини ёритиш, ижод намуналаридан ёд олиш;

тарбиявий мақсад – талабаларда ўзбек миллий романчилигига нисбатан қизиқиш уйғотиш, асар қаҳрамонлари Офтобойим, Ўзбегойим, Кумуш, Зайнаб, Раъно қиёфаси билан бугунги кундаги ёшлар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли томонлар, Отабек, Анвардаги сифатлар (ҳалоллик, поклик, орномус, мардлик) билан ҳозирги кундаги йигитларга хос бўлган хусусиятларни таҳлил қила олиш, адиб асарлари асосида бўлажак шифокорларни тиббиёт институтида касбий фаолият учун зарур маънавий сифатларини; ватанпарварлик, мардлик, эзгулик, ота-онага ҳурмат, миллий анъаналарга содиқлик ҳисларини тарбиялаш;

ривожлантирувчи мақсад – талабаларда Абдулла Қодирий ижодига ижобий муносабат, асарларига қизиқиш ва қаҳрамонларига тақлид қилиш орқали ёшларда (тиббиёт институти талабаларида) ижобий сифатларни ривожлантириш.

Тадбирнинг ўтказилиш тартиби: талабалар томонидан кеча давомида адиб ҳаёти ва ижоди тўғрисида маъруза қилинди, унинг ўлмас асарларига оид фотосуратлар тақдимоти намойиш этилди. Шунингдек, талабалар Абдулла Қодирийнинг шеърларидан (“Тўй”, “Аҳволимиз”) намуналар ўқидилар. Адибнинг машҳур – “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён” каби асарларидаги қаҳрамонлар: Отабек, Кумуш, Анвар, Раъноларнинг бир-бирига бўлган самимий муносабати, поклик, миллийликни мужассам қилган монологлари ижро этилди. Талабалар томонидан саҳна кўринишлари тайёрланиб, намойиш этилди. Айниқса, “Отабекка мактуб”нинг ўқилиши Кумушнинг нечоғли тарбия кўрганлиги, кечиримли эканлигидан далолат бериб, инсондаги энг юксак ҳис-туйғу бўлган пок муҳаббатнинг қадрланиши кўрсатиб берилди. Шулар қаторида “Меҳробдан чаён” романи қаҳрамонлари Раъно билан Анвар гулзордаги тонги суҳбатини зўр маҳорат билан ижро этдилар, бу саҳна ўзида ҳақиқий шарқона мулоқот маданияти, сўзамоллик, ўзаро ҳурматни акс эттирди.

Тадбирдан кўзланилган барча мақсадлар амалга оширилди, талабаларда адиб ижодига қизиқиш, адиб қаҳрамонларига муҳаббат, асарларда ёритиб берилган маънавий тушунчалар ва қадриятларга муносабат шаклланди, деб айта оламиз.

Талаба-ёшлар орасида олиб бориладиган маънавий профилактик ишлар ҳуқуқий тарбиянинг муҳим ва ажралмас таркибий қисми бўлгани боис уларни бевосита алоқадорликда таҳлил ва талқин қилиш мантиқан тўғри бўлади. Дунёда юз бераётган ҳар бир нотинчлик, низо, бахтсиз воқеа, бузилган оила, синган тақдир тарихи “лента”сини орқага қайтарсак, тарбияга бориб тақалади. Чунки ўз ижтимоий, шахсий ва касбий хулқи ва фаолиятини маънавий бошқара олмаслиги оқибатида ҳатто юксак малакали мутахассисларнинг ҳам кўзбўямачилик, коррупция, жиноят, фирибгарлик, космополитизм, худбинлик, меркантилизм, ҳатто диний экстремизм ғояларига алданиб, ўзига, одамларга, халқига, давлатига қарши хатти-ҳаракатлар қилишга олиб келиши мумкин.

Уларнинг бу хатоси “дунёда бой берилган авлод” – “Lost generation”* иборасини

*Инглз. “Lost generation” – беқарорлик, депрессия шароитида туғилган, худбин, лоқайд, жамиятга фойдаси тегмайдиган, шафқатсиз аламзада, ичкиликбозликка берилган, жиноий ишларга қўл урган, қўлидан иш келмайдиган, уюшмаган ёшлар тоифаси.

пайдо қилди. Бутун бошли оилалар моддий бойлик ортидан қувиб кетишди. Фарзандлар тарбиясини эса бегоналарнинг қўлига топшириб қўйишди. Тарбиядан (!) вақтларини тежаб, 10 пул фойда топишди ҳам. Бугун эса... жонсарак бўлиб, болаларини қайта тарбиялашга 1000 лаб пул сарфлашмоқда. Лекин самара 10 пуллик бўлаётир. Чунки вақт бой берилган. Мана сизга "олдин моддий ҳаёт, кейин маънавият" деб яшашнинг аянчли оқибати. "Бой берилган авлод" муаммосининг педагогик маҳсулидир" [7. Б. 320].

Бунинг олдини олиш учун ёшларимиз қалби ва онгига, аввало, она Ватанга садоқат туйғусини сингдириш эканлиги маълумдир. Бунга эса Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда "Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан" эришиш мумкин.

Тадқиқотимиз доирасида касбий ва маънавий қадриятларга уйғун равишда бўлажак шифокорларда касбий-маънавий фазилатларни ривожлантиришга кўмаклашадиган маънавий муҳитга алоҳида урғу берилди. Шу сабабли тарбия жараёнининг яхлитлиги, праксиологик, Ватанга содиқлик, субъективлик, рефлексивлик мақсадга қаратилган блокнинг тамойилларини ифодалайди.

2020 йил 13 февралда Андижон давлат тиббиёт институтида шоҳ ва шоир, давлат арбоби, моҳир саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 537 йиллиги муносабати билан адабий-бадиий кеча ўтказилди. Тадбирда факультет деканлари, декан ўринбосарлари, тиллар, педагогика ва психология кафедраси ўқитувчилари, ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими ходимлари, АДТИ ёшлар иттифоқи фаоллари, талабалар иштирок этдилар. Талабалар томонидан "З.М.Бобур ижодига таъзим" мавзусида адабий-бадиий композиция намойиш этилди.

Тадбирда талабалар Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти, ўлмас асарларининг жаҳон адабиётидаги юксак мақоми, ёшлар тарбиясидаги беқиёс аҳамияти ҳақида маъруза қилдилар. Шундан сўнг Бобурнинг дилбар ғазал ва рубоийларидан намуналар ўқидилар. Талабалар томонидан Бобур ҳаётига бағишлаб тайёрланган саҳна кўринишларини тадбир иштирокчилари зўр иштиёқ билан томоша қилдилар. Улуғ бобокалонимизнинг эзгу тушунчалар теран мушоҳада этилган бебаҳо асарларидан баҳраманд қилиш, шу орқали уларнинг тафаккур ва маънавияти, бадиий-эстетик маданиятини юксалтиришга қаратилганлиги билан аҳамиятли бўлди. Бобур ижодини ўрганиш орқали ватанга муҳаббат, ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабат ҳамда талабаларда тарбиянинг жисмоний, ахлоқий, ақлий, эстетик, ҳуқуқий тарбия асослари ривожлантирилишига асос бўлди.

Ватанга садоқат бугунги кунда ҳар бир кишининг ўз касбий фаолияти билан боғлиқ маънавий ҳодисадир. Мана шунинг учун ҳам дунёнинг халқаро аккредитациясига эга, қадимий университетларидан бири Unisaга кираверишда мана бундай ёзилган:

"Миллатни йўқ қилиш учун атом бомбаси ёки узоқ радиусга учувчи ракеталарни ташлаш шарт эмас. Таълим сифатини пасайтириб, ўқувчиларнинг ёлғон гапиришига рухсат берилса, бас. Ана шунда:

Бундай врачлар қўлидан касаллар ўлим
Бундай инженерлар дастидан бинолар
Бундай иқтисодчи-бухгалтерлар дастидан
Бундай дин олимлари дастидан инсоният
Бундай юрист ва судъялар дастидан
Бундай қонуншуносlар дастидан бошқарув

"Таълим инқирози – миллат инқирозидир" [8].

Бугун янги вазифаларни адо этишга янгича – садоқат ва масъулият билан ёндашишимиз талаб этилади. Токи бошланган ҳар бир иш ниҳоясига етсин, пишиқ, кафолатли, натижа-

ли бўлсин. Бунинг учун бир маънавий талабга жавоб бериш – Ватанга садоқатли бўлиш, шунингдек, ўзлигимизга хиёнат қилмаслик, ўзимизни алдамаслик, ҳалол-пок меҳнат қилиш тақозо этилади.

Ватанга садоқат касбий фаолиятда яққол намоён бўлиши муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Садоқат тушунчаси талабаларга ўқиш даврида сингдирилиб борилишини таъминлаш мақсадида Андижон давлат тиббиёт институтида – "Ватан ҳимояси – ҳар бир фуқаронинг шарафли бурчи" мавзусида иншолар танлови ўтказилди. Танловда талабалар фаол иштирок этишиб, берилган мавзулар бўйича ижодий ёндошдилар ва ўзларининг фикрларини ёзма баён этдилар.

Талабаларнинг ижодий ишлари текширилиши жараёнида иншоларнинг мазмуни, фикрларнинг асослилиги, кенг ёритилганлигига аҳамият берилди. Бундай тадбирлар талабаларда ватанга бўлган муносабати ва ҳис-туйғуларини яна бир бор кўриб таҳлил қилишига (рефлексияга) яхши асос бўлади ва уларнинг маънавий маданиятини юксалтиради.

Талаба-ёшлар маънавий маданиятини юксалтириш вазифасининг долзарблиги шу билан изоҳланадики, ушбу тоифага мансуб ёшларда олдинги авлодлар тажрибасини ўрганиб, янги ижтимоий муносабатларни англаш, уларга мослашиш ва жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишга интилиш компетенциялари ҳали етарли шакллантирилмаган бўлади. Бу ҳолат эса, ўз навбатида, касбий-маънавий фазилатларни шакллантиришнинг ўзига хос усул, шакл ва воситаларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бугунги кунда мамлакат келажаги саналмиш ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш вазифаси муҳим ижтимоий педагогик вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Замонавий жамият ҳам касбий, ҳам маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган шифокорларни талаб қилмоқда. Бунинг учун институт маънавий-маърифий ишлар режасида бўлажак шифокорни тарбиялаш йўналиши бўлиши керак. Шундан келиб чиқадики, бўлажак шифокорларнинг касбий фаолияти нуқтаи назаридан маънавий-ахлоқий тарбия вазифалари ва мазмунини аниқлаштириш ушбу жараённи таъминлайдиган педагогик шартлардан биридир.

Мажмуавий мезон сифатида тўртта компонент: мотивацион, когнитив, операционал, рефлексив блокларни ўз ичига олган касбий-маънавий фазилатлар мажмуи белгиланди. Бунда мотивацион компонент кўрсаткичлари – шифокорлик касбига нисбатан қадриятли муносабат, когнитив компонентнинг кўрсаткичлари эса касбий ўзлаштиришдир. Операционал компонентнинг кўрсаткичлари – шифокорнинг ахлоқий сифатлари шаклланиши бўлса, рефлексив компонентнинг кўрсаткич-лари – ахлоқий ўз ўзини баҳолашдан иборатдир. Уларнинг даврийлаштирилиши олий тиббий таълим муассасасидаги таълим ва маънавий-маъ-рифий ишларнинг ташкил этилиши билан узвий боғлиқлиги ҳар бир босқич олий таълимнинг муайян босқичида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Олий ва олий ўқув юртидан кейинги касбий таълим тўғрисида"ги Қонунида "олий ва олий ўқув юртидан кейинги касб-ҳунар таълими олиш орқали шахснинг интеллектуал, маданий ва маънавий ривожланиш эҳтиёжларини қондириш" белгилаб берилган. Олий касбий таълим, умуман олганда, таълим муассасаси сифатида тиббиёт институти маънавий, ахлоқий, касбий ва маданий йўналтирилган ҳамда ўзгарувчан ижтимоий ва табиий муҳитда яшайдиган шахсни тайёрлаш учун зарур илмий-методик салоҳиятга эга бўлиши зарур. Бунинг учун ўз-ўзини тарбиялашга, ўз тақдирини ўзи белгилашга, ахлоқий ўзини ўзи такомиллаштиришга, кенг миқёсдаги ижти-

моий тажрибани ривожлантиришга ҳисса қўшадиган педагогик муҳитни яратиш учун оптимал шарт-шароитларни яратиш керак.

Тиббиёт институтида шахснинг ҳар томонлама ривожланишида комплекс ёндашув асосий тамойилни ташкил қилади. Маънавий-ахлоқий тарбия бу – жамиятнинг маънавий-ахлоқий талабларига жавоб берадиган ахлоқий фазилатларни шакллантириш мақсадида талабаларнинг онги, ҳис-туйғулари ва хатти-ҳаракатларига мақсадли ва тизимли таъсир кўрсатишдир [9. Б. 256]. Ушбу жараён талабалар ўртасида маънавий-ахлоқий билимлар, ҳис-туйғулар ва баҳолашлар тизимини, тўғри хулқ-атворни шакллантириш бўйича педагогик фаолиятдир.

Ибн Сино инсонга хос ички гўзаллик ва майибликни тақдири азалдан, тузатиб бўлмайдиган хусусият, деб қарамайди. Балки бундай сифатларнинг сабабларини топишга интилади: яхши ва ёмон хулқларнинг инсонда пайдо бўлишига ташқаридан қандайдир нарсаларнинг таъсири сабаб бўлади. Бу таъсир салбий ёки ижобий бўлиши мумкин. Салбий таъсир етказувчи нарсаларнинг сабаблари бартараф этилса, инсонда яхши, гўзал хулқларни шакллантириш мумкин. Нафс тарбиясининг мақсади ва моҳияти ҳам худди мана шу нарсаларнинг ечимидадир [10. Б. 48].

Хулоса қилиб айтганда, талабаларни бўлажак касбий ҳаётга тайёрлаш, уларда маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий қадриятлар устуворлигини таъминлаш учун касбий-маънавий тарбияни бугунги кун талабидан келиб чиқиб, ислоҳ этиш зарурияти-ни келтириб чиқаради. Ўзбекистонда дунёни янгича идрок этадиган, ҳақ-ҳуқуқи учун курашадиган, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунадиган, ижтимоий фаол, ўз тақдирини халқи, ватани тақдири билан бир деб билиб, фаолият кўрсатадиган бўлажак мутахассислар авлодни шакллантиришга эришиш олий таълим муассасаларининг олдида турган долзарб масаладир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи (2017 йил 19 сентябрь) // Халқ сўзи, 2017 йил 20 сентябрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – №6 (766) – 70-модда. – Тошкент: Адолат, 2017. – Б. 25–150.

3. Одоб ва одобсизлик ҳақида мақоллар [Интернет ресурс]. URL: http://www.diyonat.uz/index.php/ma-olalar/846-odob-oltindan-qimmat (Мурожаат этилган сана: 15.10.2019).

4. *Бируни А.Р.* Избранные произведения. Памятники минувших поколений. Том 1. / Перевод и примечания *М.А.Салье.* – Ташкент: Издательство Академии наук Узбекской ССР, 1957. – 527 с.

5. Шарқ донишмандлари ҳикматлари / Тузувчи: Аҳмад Муҳаммад Турсун. –Тошкент: Шарқ, 2006. – 208 б.

6. Character Education – ERIC Resources [Electronic resource]. URL: www.indiana.edu (Мурожаат этилган сана: 20.03.2019).

7. *Қуронов М.* Болам бахтли бўлсин, десангиз...: Ота-оналар учун. – Тошкент: Маънавият, 2013. – 320 б.

8. Публикация от Stellenbosch University [Интернет ресурс]. URL: https:// news.rambler.ru/ other/ 41252675-universitet-v-yuzhnoy-afrike-napomnil-o-vazhnosti-obrazovaniya/ ?utm_source= copylink&utm_medium+read_more&utm_content=rnews (Мурожаат этилган сана: 15.03.2018).

9. *Подласый И.П.* Педагогика. Новый курс: учебник для студентов вузов: в 2-х книгах, книга 2. – Москва: ВЛАДОС, 2004. – 256 с.

10. *Абу Али ибн Сино.* Фалсафий қиссалар. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1963. – 48 б.

11. *Усмонхўжаев А.* Тиббиёт ходимлари маънавияти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. –276 б.

12. *Жакбаров М.* Комил инсон ғояси. –Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2002. – 32 б.

13. *Тиллашев Х.Х.* Общепедагогические и дидактические идеи ученых-энциклопедистов Ближнего и Среднего Востока эпохи средневековья. – Тошкент: Фан, 1989.- 148 с.

14. *Dotson, M.J.* Cooperative Learning Structures Can Increase Student Achievement. San Clemente, CA: Kagan Publishing. Kagan Online Magazine, 2001. www.KaganOnline.com

DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL-SPIRITUAL QUALITIES IN STUDENTS AS A SOCIO-PEDAGOGICAL PROBLEM

N.D.Ahmedova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Pedagogik tadqiqotlar – Scientific bulletin. Pedagogical Research. 2020. 6(50). 36–46.

[1] *Andijan State Medical Institute, Andijan, 170127, str.Yu.Atabekov, 1 (Usbekistan). E-mail: agmi-361@umail.uz*

Keywords: students, spiritual, culture, value, human factor, education, spiritual quality.

The article it is deals with the importance of forming spiritual-moral quality of students, in order to supply priority of legal values and reforming process of professional-spiritual education, improving spiritual culture and importance of understanding by students new social relationship and adaptation to them in producing social competency. In this case, we are talking about educating students, that is, organizing the process of joint activity of all government bodies and civil society institutions, increasing their responsibility, creating an effective system for coordinating crime prevention, also the development and implementation of modern socio-pedagogical mechanisms for the prevention of crime among young people. This, in turn, requires the development of specific methods, forms and means of forming professional spiritual qualities.Today, the task of improving the legal culture of youth is still remaining one of the most important socio-pedagogical tasks.

To achieve the goal, it is necessary to focus on training not only highly qualified specialists in the higher education system, but also people with high spiritual qualities.And on the basis of this direction, attract students to extracurricular activities (at the Andijan

State Medical Institute) and arouse interest in them to form spiritual qualities - courage, perseverance, devotion to the Fatherland, a strong position in life, strong ideological immunity, kindness, humanity, devotion, activity, independent thinking, humility, courage, kindness, tolerance, modesty, sociability, trust, patience, sincerity, good intentions, education, discipline, perfection, independence of thinking, perseverance, justice and strength. It is very important to reveal the significance of each of these qualities in educational programs and spiritual and educational events of higher educational institutions and for the general population. The development strategy of the Republic of Uzbekistan is aimed at strengthening public health, medical care and makes serious demands on education. At the same time, the higher education system is aimed not only at training highly qualified specialists, but also at persons with high spiritual qualities. And proceeding from this direction, by involving students in extra-curricular activities organized at the Andijan State Medical Institute, a purposeful development of spiritual and moral qualities was carried out.

An important condition for the success of the future doctor is that he is not only professionally, but also spiritually prepared and competent - has the appropriate social competencies. In this, the spiritual preparation of the doctor is involved as a catalyst that activates the initial training of professionals.

References:

1. Mirziyoyev, Sh.M. (2017) O`zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning BMT Bosh Assambleyasining 72-sessiyasida so`zlagan nutqi [Speech of President Sh.M.Mirziyoyev at the 72-session of UN General Assembly]. Xalq so'zi. September 20.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-sonli farmoni. (2017) [The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 'On the Strategy of actions for Further Development of the Republic of Uzbekistan № PD-4947 // The Law of the Republic of Uzbekistan. No 6 (766), Article 70 (766)]. Tashkent. Pp.25-150.

3. Odob va odobsizlik haqida maqollar [Proverbs about etiquette and obscenity]. [Online]. URL: http://www.diyonat.uz/index.php/ma-olalar/846-odob-oltindan-immat (date of access: 15.10.2019)

4. Biruni, A.R. (1957) Izbrannye proizvedeniya. Pamyatniki minuvshih pokolenij. Tom 1. / Perevod i primechaniya M.A.Sal'e. [Selected works. Volume 1. Monuments of past generations]. Translation and notes by M.A.Salier. Tashkent: Izdatel'stvo Akademii nauk Uzbekskoj SSR.

5. Tursun, A.M.(Compiled by) (2006) Sharq donishmandlari hikmatlari [Wisdoms of Eastern sages]. Tashkent: Sharq.

6. Character Education – ERIC Resources. [Online]. URL: www.indiana.edu (date of access:15.03.2018).

7. Quronov, M. (2013) Bolam baxtli bo'lsin, desangiz...: Ota-onalar uchun [If you want your child to be happy ...: for parents]. Tashkent: Ma'naviyat.

8. Публикация от Stellenbosch University. [Online]. URL: https:// news.rambler.ru/ other/ 41252675-universitet-v-yuzhnoy-afrike-napomnil-o-vazhnosti-obrazovaniya/ ?utm_source= copylink& utm_medium+read_more&utm_content=rnews (date of access: 15.03.2018).

9. Podlasyj, I.P (2004) Pedagogika [Pedagogy]. Novyj kurs: uchebnik dlya studentov vuzov: v 2-h knigah, kniga 2. [New course: textbook. for higher. textbook. institutions: in 2 books]. Moscow: VLADOS.

10. Abu Ali ibn Sino. (1963) Falsafiy qissalar [Philosophical stories]. Tashkent: O‘zadabiynashr.

11. Usmonxo'jaev, A. (2014) Tibbiyot xodimlari ma'naviyati [Spirituality of medical workers]. Tashkent: Yangi asr avlodi.

12. Jakbarov, M.(2002) Komil inson g‘oyasi [The idea of the perfect man]. Tashkent: National Society of Philosophers of Uzbekistan.

13. Tillashev, X.X. (1989) Obshchepedagogicheskie i didakticheskie idei uchenyh-enciklopedistov Blizhnego i Srednego Vostoka epohi srednevekov'ya [General Pedagogical and Didactic Ideas of Encyclopedic Scientists of the Near and Middle East of the Middle Ages]. Tashkent: Fan.

14. Dotson, M.J. (2001) Cooperative Learning Structures Can Increase Student Achievement. San Clemente, CA: Kagan Publishing. Kagan Online Magazine. [Online]. URL: www. KaganOnline.com (date of access: 01.12.2019)

Муаллиф ҳақида маълумот:

Аҳмедова Нигора Дадахоновна – Андижон давлат тиббиёт институти Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси. E-mail: www.nigoroy2506@mail.ru